

*Жон ва ақлни яратгучи зот номи ила бошлайман*

## **АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ МАДАНИЯТПАРВАР ДАВЛАТ АРБОБИ, ХАЛҚПАРВАР БУНЁДКОР ВА ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР**

Амир Алишер Навоий Темурийлар даврининг машхур маданиятпарвар давлат арбобларидан биридир. У ўз даврининг маданият марказларидан бири бўлмиш Ҳирот шаҳрида дунёга келди, маданият ва адабиёт гуллаб-яшнаган ўша давр муҳитидан таъсир олиб, ўзи ҳам маданият ва адабиёт тараққиётига ҳисса қўшди.

У бир томондан етук шоир, олим, ёзувчи, тилшунос, мусикашунос ва ориф, бошқа бир томондан эса давлат арбоби ролида намоён бўлиб, давлат арбоби сифатида ҳам энг катта эътиборини маданият ва адабиёт аҳлига, ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ турмуш даражасини яхшилашга қаратади.

Навоий шеърятда диний ва ирфоний манбалар ҳамда Ҳофиз Шерозий, Абдурраҳмон Жомий, Саъдий Шерозий, Фаридуддин Аттор Нишопурий, Амир Хусрав Дехлавий, Хожа Насир Тусий, Салмон Соважий, Камол Хўжандий, Хайём Нишопурий, Санойй, Хоқоний ва Фирдавсий каби сўз санъатининг беназир усталари асарларидан илҳом олган. Бунда Навоий энг кўп таъсирни Ҳофиз Шерозий, Аттор Нишопурий ва Жомийдан олиб, унинг шеърятига мафтун бўлган.

У ўзининг эътиқодлари, қарашлари ва фикр-мулоҳазаларини икки тилда – Навоий тахаллуси билан ўзбек тилида ва Фоний тахаллуси билан форс тилида баён этиб, ўзининг ўша давр адабиёт осмонидаги чарақлаши ва юксак ўрнини кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан уни Ўзбекистонни Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар билан боғлаб турувчи халқалардан бири, ушбу минтақа халқларининг тотувлиги, бирдамлиги ва дўстлиги рамзи деб билиш мумкин.

Айтмоқчи бўлган гапимизни ушбу атоқли зуллисонайн шоир сўзлари билан баён этсак яхшироқ ва гўзалроқ чиқади, деб ўйлайман:

Маънийи ширин-у рангинам ба туркий беҳад аст,

Форсий ҳам лаъл-у дурҳойи симин чун бингарий.

Гўйе дар рости бозори сухан бигшоодаам

Як тараф дўкони қанноди-ю як сў заргарий.

*Мазмуни:* Турк тилида тотли ва ранг-баранг маъноли шеърларим чексиздир, бироқ қарасанг форс тилида ҳам лаъл ва дурларга ўхшаш шеърларим бор. Гўё сўз бозорида дўкон очганман: бир томонда қандолатчилик дўкони, иккичи томонда эса заргарлик дўкони.

Навоийдан кейин икки тил – ўзбек ва форс тилларида шеър ёзиш адабий анъанага, Мовароуннаҳр ўлкаси эса форс ва ўзбек тилларида бадиий асарлар яратиладиган маконга айланди.

Амир Алишер Навоий ўзидан ўттизтача асар қолдирган бўлиб, уларнинг кўпчилиги форсигўй сўз усталаридан илҳом олган ҳолда яратилган. Жумладан, унинг «Хамса» асари Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийлар «Хамса»лари услубида яратилган бўлиб, «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларини ўз ичига олса, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonида Фаридуддин Атторнинг ирфоний мазмундаги «Мантиқ ут-тайр» дostonи шарҳланган. Унинг «Мажолис ун-нафоис» асарида Навоийга замондош бўлган уч юз элликтача шоирлар ва бошқа улуғ шахсларнинг таржимаи ҳоли келтирилган бўлиб, бу асар форс тилига ҳам таржима қилинган.

Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари сажъли насрда яратилган йирик ҳажмли китоб бўлиб, айрим тадқиқотчиларнинг фикрларича, уни яратишда Саъдийнинг «Гулистон» ва Жомийнинг «Баҳористон» асарлари услубидан фойдаланилган. Навоийнинг оламлар парвардигори бўлмиш худога роз-ниёз кўринишида мурожаат қилиб ёзган ёзмаларидан иборат бир асари ҳам бўлиб, у «Муножот» деб номланади. Навоийнинг ўз дўсти ва пири Абдурахмон Жомийнинг вафотига бағишлаб ёзган марсия ёки ғамномаси унинг энг машҳури форсча шеърларидан ҳисобланади.

Амир Алишер Навоий ўзининг раҳмдил ва меҳрибон Яратгувчисига қилган роз-ниёзларидан бирида гўзал бир тарзда шундай дейди: «Эй Тангрим, мени яхшилиқни билмайдиганларнинг маломатларидан сақлагин-да, ўзганинг ҳаққини адо этгувчилардан қилгин».

Амир Алишер Навоий, шунингдек, Қуръон тафсирчиси ҳамда кўплаб диний ва ирфоний асарлар муаллифидир. Унинг пайғамбарлар тарихига бағишланган «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва сўфийлар таржимаи ҳоли баён этилган «Насойим ул-муҳаббат» каби насрий, Ҳазрат Расулдан (с.а.в.) нақл қилинган қирқ ҳадиснинг шеърий таржимасидан иборат «Арбаъин», фикҳга оид «Сирож ул-муслимин», «Назм ул-жавоҳир», ирфоний қарашлар акс этган «Лисон ут-тайр» ҳамда муаллифнинг худога роз-ниёзларидан иборат «Муножот» каби шеърий асарлар шулар жумласига киради.

Навоий мусиқа илми ва санъати устаси ҳам бўлиб, у яратган кўпчилик куйлар табиатдан илҳом олган ҳолда кушлар сайроғи асосида тузилгандир.

Ёзувчилар, шоирлар ва тадқиқотчиларнинг Амир Алишер Навоий асарларига бўлган қизиқишлари, шунингдек, унинг қаламига мансуб асарларнинг кўп эканлиги ушбу асарларда қўлланилган сўзлар ва атамаларни тушунишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни енгиш мақсадида бир неча тилли луғатларнинг яратилишига олиб келди. Эронда Қожорлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1795-1925) Навоийнинг асарларига шарҳ ёзиш кенг тарқалди. Бу даврда Навоий шеърларини ўқиб тушунишни осонлаштириш мақсадида Мирзо Меҳдихон Астрободийнинг (1760 йил вафот этган) «Санглох» луғати тузилди.

Ўзбек адабиётининг асосчиси бўлмиш Навоий асарларининг кўпчилиги турли тилларга таржима қилиниб, чоп этилган. Жумладан, Эронда унинг шеърини девони, муаммо санъатига бағишланган «Муфрадот» рисоласи, «Муножот», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» ва «Назм ул-жавоҳир» асарлари нашр қилиниб, мухлислар эътиборига ҳавола этилган.

«Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди» китоби доктор Суғробону Шукуфта хонимнинг Техрон университетида форс тили ва адабиёти йўналишида ҳимоя қилган диссертацион тадқиқоти ҳосиласи бўлиб, Техроннинг «ал-Ҳудо» нашриёти томонидан нашр этилган. Шунингдек, Техронда Навоийнинг замондоши Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамирнинг Амир Алишер Навоийнинг ҳаётига бағишланган «Мақорим ул-ахлоқ» асари ҳам нашр этилган. Бундан ташқари Фирдавсий номидаги Машҳад университети ҳам 2015 йили Навоийга бағишланган халқаро конференция ўтказди. Бу конференцияда Эрон, Ўзбекистон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Германия, АҚШ, Тожикистон ва Қирғизистондан келган тадқиқотчилар ўзларининг Амир Алишер Навоийнинг асарлари ва хизматларига бағишланган 370 та маърузалари билан иштирок этишди.

Шунингдек, Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро билан дўстлик муносабатлари, ўзининг Бойқаро ҳукумати саройидаги иштироки билан боғлиқ имкониятдан ўз даврида илм, маданият ва қурилиш-ободончилик ишларини кенгайтиришга ёрдамлашиш учун фойдаланди. У Хуросон, Ҳирот шаҳри ва унинг атрофларида, шунингдек, Ўрта Осиёда кўплаб ижтимоий ва инфратузилма иншоотлари, жумладан, мадрасалар, шифохоналар, карвонсаройлар, бозорлар, йўллар, кўприклар ва ҳ.к. курди ва таъмирлади. Бундай иншоотларнинг сони «Мажолис ун-нафоис» асарида 370 та деб кўрсатилган.

Ҳиротдаги Ихлосия мадрасаси ва хонақоҳи, Шифоия ва Низомия мадрасалари, Марвдаги Хусравия мадрасаси, Ҳирот жоме масжиди ёки Эроннинг Хуросон вилоятида ғиштдан қурилган Туруқ тўғони шулар жумласидандир.

Амир Алишер Навоийнинг Эронда, жумладан Хуросон вилояти ва унинг муқаддас Машҳад шаҳрида амалга оширган бунёдкорлик ишлари ҳамда бу вилоят ва шаҳар халқига кўрсатган хизматлари каттадир. Жумладан, Али бин Мусо ар-Ризонинг пок ҳарам (мақбараси) қадимий ҳовлисининг жануб томонидаги айвон ва асосий кириш жойи, Гилос булоғидан мазкур мақбара қадимий ҳовлисига қадар тортиб келинган ва муқаддас зиёратгоҳларни сув билан таъминлайдиган Машҳад шаҳрининг Хиёбон ариғи, XII-XIII асрларнинг машҳур шоири Шайх Фаридуддин Атторнинг Нишопурдаги мақбараси, Турбати Жомдаги Қосим ул-анвор мақбараси, Хуросон вилоятидаги Туруқ тўғони, Хуросони Разавий вилоятидаги Сангбаст ва Дизобод карвонсаройлари ҳамда Сарахс жоме масжиди Амир Алишер Навоий саъй-ҳаракатлари билан қурилгандир.

Амир Алишер Навоий Темурийлар даврининг маданиятпарвар давлат арбоби ҳамда йирик ва машҳур маданият ҳомийси эди. Шу сабабли ҳам ўша даврнинг кўпсонли олимлари, санъаткорлари, шоирлари, ёзувчилари ва орифлари унинг атрофида тўпланишган бўлиб, уларнинг энг машҳурлари сифатида таниқли тарихчилар Мирхонд ва Хондамир, атоқли рассом Камолиддин Беҳзод, донғи кетган хаттот Султонали Машҳадий, таниқли олимлар Воиз Кошифий ва Илоҳий Ардабилиий, шунингдек, буюк шоир ва ориф Жомийни эслатиш мумкин.

Навоийнинг маданиятни ривожлантириш, қурилиш-ободончилик ишларини амалга ошириш ҳамда халқнинг оғирини кенгил қилиш йўлида амалга оширган ишлари ўта кенг ва сон-саноксиз бўлиб, буларнинг барчасини бу қисқа қораламада баён этишнинг имкони йўқ. Шунга кўра, Амир Алишер Навоий ўз шеърларида қуйлаганидек, сўзни қисқароқ қилмоқ керак:

Сўз майидин олима дарёйи жарф,  
Илгима заврақ киби жоми шигарф.

Шубҳасиз, Навоийнинг ўз давридаги илм-фан, маданият, санъат, қурилиш-ободончилик ва хайрия ишлари ривожига ҳамда халқнинг оғирини енгил қилиш ишидаги ҳиссаси барчага маълум. Шу жиҳатдан у маданият, сиёсат, адабиёт ва ирфон аҳли учун муносиб ўрнатма бўла олади.

Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак.

**Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ**

**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги**

**Фавқулодда ва Мухтор элчиси**

2021 йилнинг январи.